



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - aprel

706k -son

Bog'ot shaharchasi

Bo'got tumani hokimining 2020 yil
16 январдаги 68к-сонли қарорига ўзгартириш
ва қўшимча киритиш тўғрисида

Bo'got tumani "Навбахор" маҳалласида яшовчи фуқаро Юсупова Раъно Саидмуротовнага қарашли "Навбахор" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Турар жой" биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисидаги туман ҳокимининг 2020 йил 16 январдаги 68к-сонли қарорига тегишли ўзгартириш киритиб берилишини сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 5 февралдаги ШЯ-Ю-448-сонли аризасини, Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 4 мартдаги 666-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани ҳокимининг 2020 йил 16 январдаги 68к-сонли қарорининг биринчи банди қуйидаги тартибда таҳрир қилинсин;

- Боғот тумани Қораёнтоқ қишлоғи "Навбахор" маҳалласида жойлашган 12 (ўн икки)та хонадан иборат, яшаш хоналари 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 132,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 148,75 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 280,75 квадрат метр, қурилиш ости майдони 396,0 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1514,6 квадрат метр бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган, 214,6 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Юсупова Раъно Саидмуротовнага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

- ушбу қарорнинг иккинчи бандидаги "1210,5 квадрат метр" сўзлари "214,6 квадрат метр" деб ўқилсин.

2. Боғот тумани ҳокимининг 2020 йил 16 январдаги 68к-сонли қарорининг бошқа бандлари ўзгаришсиз қолдирилсин.

3. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Х.Болтаев)га мазкур қарорнинг нусхаларини тегишли ташкилотларга ва фуқаро Юсупова Раъно Саидмуротовнага етказилишини таъминлаш ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил ноябрь ойида қабул қилинган қарорлар тўпламига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев